

Танловга: Шукр килинг Аллох зиёда қилиди

15:47 / 19.04.2017 7288

Кимки инсонлардан келган яхшиликларга шукр килмаса у Аллохдан келган яхшиликка ҳам шукр килмаган булади.

Мумин –мусулмон киши хамиша ва хар вақт Аллох таоло унга инъом килиб берган нематларига, ризк килиб берган халолу пок емишларига шукр килиб яшамоги лозим. Аллохнинг берган хисобсиз нематларига шукр килмоклик ҳам Унга килинган ибодат кабидир. Зеро мусулмон киши Аллохга шукр килгандагина унинг ишлари олдинга сурилади. Шукр Аллох берган нематни унинг розилиги йулида сарф этмокликдир. Шукр килган банда савобга эгадор булади. Аллох берган немат кадрина адо этади. Шукр килгани сабабидан Аллох унга берган нематини янада зиёда килади. Аксинча ношукрлик килган банда гуноҳга ботади ва Аллох у бандасига берган нематини ношукрлиги сабаб узиб куяди. Вахолангки шукр банданинг узигагина фойда келтиради. Бу хакида Аллох таоло шундай мархамат килади. «Ва Роббингиз «Касамки, агар шукр килсангиз албатта, зиёда килурман. Агар куфр келтирсангиз ,албатта, азобим шиддатлидир»,деб эълон килганини ҳам эсланг » (Иброхим сураси, 7-оят) Аллох таолонинг биз ожиз бандаларига берган нематлари беҳисоб эканини барчамиз биламиз. Хар канча шукр килмайлик Унинг бизга инъом килган бекиёс нематларини шукрини адо эта олмаймиз. Пайгамбаримиз с.а.в. «Икки немат бор инсонларнинг куплари бундан беҳожат. Улар сихат саломатлик ва фаровонлик(хотиржамлик)дир » деганлар. Уламоларимиз; Дунёда учта энг азиз немат бор. Лекин бу уч нематдан факат иккитасигина бир кишида жам булади. Улар хузур-халоват, сихат-саломатлик ва молу-дунё деганлар. Яратган Роббимга беҳисоб шукроналар булсинки, бугунги кунда. жаннатмакон юртимиз тинч, осойишта, тану жонимиз сог-саломат, устимиз бут, хар бир юртдошимиз кунглида хузур халоват мужассам. Бизларда Аллохнинг энг азиз нематлари тинчлик хотиржамлик сихат саломатлик бойлик барчаси мужассам. Аллохнинг ваъдаси хак. Агар бизлар унинг берган нематларига шукр килсак албатта зиёда килади. Аллох таоло хамиша тинчлигимизни бокий сихат саломатлигимизни зиёда килсин. Бизларни берган нематларига шукр килгувчи шокир хамиша зикр этгувчи зокир бандаларидан килиб хидоятида баркарор этсин.

**Андижон вилоят Хужабод туман «Еттичинор»
жоме масжиди имом хатиби М Косимов.**